

# Халқ сўзи

**Ўзбекистон – келажаги буюк давлат**

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● http://xs.uz ● E-mail: Info@xs.uz ● 2012 йил 4 октябрь, № 195 (5615) Пайшанба

# ДЕМОКРАТИК ТАРАҚҚИЁТ ВА ФАРОВОНЛИГИМИЗ КАФОЛАТИ

*Тошкентда “Ўзбекистонда конституциявий қурилиш тажрибаси ва халқаро амалиёт” мавзуида халқаро конференция бўлиб ўтди. Тадбир Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Конституциявий суд, Адлия вазирлиги, Бош прокуратура ва Тошкент давлат юридик институти томонидан Конрад Аденауэр номидаги жамғарма (ГФР) ва Франциянинг мамлакатимиздаги элчихонаси ҳамда Европа Иттифоқининг Венеция комиссияси кўмагида ташкил қилинди.*

## Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллиги олдидан

Унда Германия, Ирландия, Словакия, Франция, Россиядан экспертлар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирлик ва идоралар, фуқаролик жамияти институтлари, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган халқаро ташкилотлар ва дипломатик корпус вакиллари иштирок этди.

Анжуманда Президентимиз Ислом Каримов томонидан белгилаб берилган мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилишнинг устувор йўналишларига мувофиқ, Ўзбекистонда конституциявий ривожланишнинг муҳим йўналишлари ҳамда конституционализмнинг халқаро тажрибаси муҳокама этилди.

Ўзбекистонда истиқлолга эришилгач, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига эга демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш ҳаётимизнинг барча жабҳаларида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг асосий мақсади этиб белгилангани таъкидланди. 20 йил аввал, яъни 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ушбу муҳим вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилаётир. Унда инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланиши белгиланган. Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, Конституциямиз — Асосий Қонунимиз қабул қилиниши билан биз Ўзбекистон келажагини, янгитдан барпо этилаётган давлатимизнинг чуқур мазмуни, маъно ва моҳиятини, сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий, гуманитар ва маънавий тараққиётнинг, юртимиз қиёфасини, унинг халқаро ҳамжамиятдаги ўрни ва нуфузини тубдан ўзгартириб юборган мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилишнинг пировард мақсадларини аниқ-равшан белгилаб олдик.

Конституциямиз асосини давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган ривожланишнинг машҳур беш тамойилини ўз ичига олган “Ўзбек модели” ташкил этади. Бу тамойиллар — иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлиги, давлатнинг бош ислоҳотчи вазифасини ўз зиммасига олиши, қонун устуворлигини таъминлаш, кучли ижтимоий сиёсат олиб бориш ва ислоҳотларни босқичма-босқич, тадрижий амалга оширишдан иборат.

Конференция қатнашчиларининг фикрича, мустақил Ўзбекистон Конституцияси — улкан тарихий аҳамиятга эга ноёб ҳужжат бўлиб, унда суверен давлат ва адолатли жамиятни шакллантиришнинг муҳим асослари, инсон ҳуқуқларига, демократия ва ижтимоий адолатга содиқлик, фуқаролар тинчлиги ҳамда миллатлараро тотувликни таъминлаш мустаҳкамланган. Унинг қоидалари мамлакатимизда босқичма-босқич ва изчил амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ислоҳотларни ортга қайтариб бўлмаслиги, уларни жадал ва барқарор ривожлантириш ҳамда келажакда давлатимизни равнақ топтиришни кафолатлайди. Шу муносабат билан анжуман иштирокчилари истиқлол йилларида рўёбга чиқарилган демократик ислоҳотларнинг юксак самаралари Ўзбекистон танлаган конституциявий модель мамлакатимиз ривожланаётган реал тарихий ва геосиёсий шароитларда якка-ю ягона тўғри йўл эканидан далолат беришини қайд этдилар.

Ўзбекистон Конституциясининг ғоя ва нормаларида халқимизнинг кўп асрлик тажриба ва маънавий қадриятлари, бой тарихий-ҳуқуқий мероси акс эттирилгани унинг ҳаётийлигининг кафолатидир. Шу билан бирга, Асосий Қонунимиз кўплаб демократик давлатларда конституциявий қурилиш соҳасидаги илғор тажрибанинг энг яхши жиҳатларини, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг умумэътироф этилган нормалари ҳамда мазкур соҳадаги бошқа халқаро ҳужжатларга асосланган инсон ҳуқуқ ва манфаатлари, эркинлигини таъминлаш ва ҳимоя қилиш механизмини ўзида мужассам этган. Мазкур ҳужжатни ишлаб чиқишда унинг лойиҳаси хорижлик етакчи экспертлар иштирокида жамоатчилик, ҳуқуқий, лингвистик ва халқаро экспертизадан ўтказилгани ҳам муҳим аҳамият касб этади. Ушбу лойиҳа фуқароларимизнинг сиёсий фаоллиги ва ижодий ёндашуви шароитида умумхалқ муҳокамасидан ўтди ва Ўзбекистонда демократияни ривожлантиришнинг самарали мактабига айланди.

Конституциянинг қабул қилиниши ижтимоий ва давлат қурилишининг барча жабҳаларидаги муносабатларни, миллий қонунчилигимизнинг барча соҳаларини тартибга солувчи аниқ ҳуқуқий тизимни ташкил этди. Ўтган давр мобайнида мамлакатимиз парламенти Конституция нормаларига мувофиқ 15 кодекс, 600 дан зиёд қонунни қабул қилди, 200 дан ошиқ кўп томонлама халқаро шартномани ратификация қилди ва шу тариқа Асосий Қонунимизни амалга оширишнинг яхлит ҳуқуқий механизми яратилди.

Унинг самарадорлигини вақт ўзи кўрсатиб турибди ва бу бугун жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилмоқда. Конференция қатнашчилари ўз чиқишларида Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли демократик ислоҳотлар тизимли, изчил ва бир-бири билан боғлиқ хусусиятга эга эканини таъкидладилар. Масалан, Президентимиз Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси давлатимиз ҳамда жамиятимизни ривожлантиришнинг мутлақо янги босқичини бошлаб берди. Мазкур концепция Конституциянинг асосий нормаларини босқичма-босқич амалга ошириш доирасида демократик ислоҳотларни мантиқий давом эттиришнинг чуқур ва пухта ўйланган стратегияси ҳисобланади.

(Давоми 2-бетда).

## Кўргазма

*Мамлакатимизда аграр тармоқни ислоҳ қилиш борасида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар туфайли ички бозоримиз ўзимизда етиштирилган ноз-неъматлар билан тўлдирилмоқда. Бунга сўнгги йилларда ғалла ва пахтадан ташқари бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда ҳам ҳосилдорликнинг тобора ортиб бораётгани яққол мисол бўлади.*

*Айниқса, Президентимизнинг 2008 йил 20 октябрдаги “Озиқ-овқат экинлари экиладиган майдонларни оптималлаштириш ва уларни етиштиришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони бу борадаги ишларни жадаллаштиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.*




# Кенг имкониятлар, манфаатли мулоқотлар

Чунки ушбу ҳужжатга биноан, пахта майдони сезиларли даражада қисқартирилиб, озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириладиган ерлар кенгайтирилди. Бу эса, ўз навбатида, фермер хўжаликларининг дала ва боғ неъматлари ҳосилдорлигини ошириш ҳамда уларни қайта ишлаш имкониятларини оширди.

Кеча пойтахтимиздаги “Ўзэкспомарказ” мажмуасида иш бошлаган “WordWeek Uzbekistan — 2012”, “AgriTek Uzbekistan — 2012” озиқ-овқат саноати ва қишлоқ хўжалиги халқаро кўргазмаси эса юртимиз мулкдор ва тадбиркорларига ўз салоҳиятини янада юксалтиришга ёрдам берувчи муҳим тадбирлардан биридир. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда “TNT Expo” масъулияти чекланган жамияти томонидан ташкил этилган мазкур халқаро анжуманда 40 дан зиёд маҳаллий ишлаб чиқарувчилар қаторида, Венгрия, Голландия, Германия, Польша, Италия, Ҳиндистон, Украина, Хитой сингари 14 та давлатдан 70 га яқин компания ва корхоналар ҳам қатнашмоқда. Улар томонидан тақдим этилаётган озиқ-овқат маҳсулотлари, қайта ишлаш технологиялари, қадоқлаш ускуналари, экинларни турли зарарли ҳашаротлардан ҳимоялаш воситалари, ветеринария хизматлари, минерал қўшилмалар, қишлоқ хўжалиги техникалари ва бошқа экспонатлар эса иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Масалан, Ҳиндистоннинг “Biomass Research and Technical Solution PVT. Ltd” компаниясининг парранда ва чорва молларини соғлом парваришлашга мўлжалланган маҳсулотлари ўзининг сифати, Италиянинг “Bertuzzi SRL” компаниясининг мева-сабзавотларни қайта ишловчи замонавий ускуналари эса ихчамлиги ва тежамкорлиги билан қатнашчиларга манзур бўлмоқда.

(Давоми 2-бетда).

## «Олтин Гепард — 2012»




*Кеча пойтахтимиздаги “City Palace” меҳмонхонасида “Олтин Гепард” иккинчи халқаро кинофоруми доирасида “Замонавий кино: замон, макон ва кўнгил” мавзуида давра суҳбати ташкил этилди.*

# МИЛЛИЙ АНЪАНАЛАРГА ЭҲТИРОМ

Анжуманда Германия, Буюк Британия, Хитой, Япония, Испания, АҚШ, Ҳиндистон сингари қатор давлатлардан ташриф буюрган кино санъати мутахассислари ҳамда мамлакатимизнинг таниқли кинорежиссёрлари ва актёрлари иштирок этди.

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда миллий киномизга қизиқиш хорижда ҳам йил сайин ошиб бораётир. Азалий анъаналар, миллий турмуш тарзи талқин этилган бадиий фильмларимизнинг халқаро танловларда муваффақият қозонаётгани бунинг далилидир. Табиийки, кинематографиянинг томошабин маънавий дунёқарашини бойитишдаги ўрни ва аҳамияти катта. Тошкент кинофоруми ана шулардан келиб чиққан ҳолда киносанъат борасидаги бой тажрибани ўзаро баҳам кўриш, энг яхши ижодий ишларни тақдирлаш орқали томошабинларни ҳар томонлама мукаммал ишланган фильмлар билан таништиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Зеро, ҳар қандай фильм, аввало, томошабин учун яратилади.

(Давоми 3-бетда).

# Келажагимизнинг мустаҳкам пойдевори

*Республикамизда устоз ва мураббийларни қадрлаш, уларнинг машаққатли, шу билан бирга, шарафли касбларини улуғлашга зарур шарт-шароитлар яратилган. Бинобарин, юртимизда 1 октябрь санасининг Ўқитувчи ва мураббийлар куни, деб эълон қилиниши ҳамда умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланиши ушбу соҳа вакиллари фаолиятига кўрсатилган юксак эътибор ва эҳтиром намунасидир.*

## Муносабат

Дарҳақиқат, устоз ёшларни билимли, заковатли, етук инсонлар бўлиб камол топишлари учун билимини, истеъдодини, ҳаётини бахшида этган мўътабар зотдир. Шу маънода, давлатимиз раҳбарининг яқинда юртимиз ўқитувчи ва мураббийларига йўллаган байрам табригида ўқитувчи ва мураббийларнинг мамлакатимиз тараққиёти йўлидаги беқиёс ҳиссаси юксак баҳоланди. Унда қайд этилганидек, ёшларимизнинг онгу тафаккурини, бутун ҳаётини тубдан ўзгартириб бораётган, илғор хорижий тажрибаларни, миллий ва умуминсоний қадриятларни ўзида мужассам этган дастурларни амалга ошириш, аввало, ўқитувчи ва мураббийларнинг шарафли, шу билан бирга, машаққатли меҳнати эвазига амалга ошаётганини ҳеч ким ҳеч қачон инкор этолмайди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда мустақиллик йилларида Юртбошимиз раҳнамолигида таълим ва тарбия, фан соҳаси ривожига катта эътибор қаратилаётир. Жумладан, республикамизда ҳар йили давлат бюджети харажатлар қисмининг 35 фоиздан зиёди таълим соҳасига йўналтирилаётгани, кейинги ўн йилда ўқитувчи ва мураббийларнинг маоши иқтисодиётимизнинг реал соҳасидаги иш ҳақи миқдоридан ўртача 1,5 баробар кўп ўсгани, педагог ходимлар меҳнатини баҳолаш ва рағбатлантиришнинг замонавий тизими жорий этилгани улкан саъй-ҳаракатлар самарасидир. Хусусан, Президентимизнинг яқинда матбуотда эълон қилинган “Малакали педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини шундай кадрлар билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ўқитувчилар ва умумтаълим муассасалари ходимларига кўрсатилаётган эҳтиромнинг яна бир амалий тасдиғи бўлди.

Холисона айтадиган бўлсак, ҳеч бир замонда таълим-тарбияга, фан ва ижодга ҳозиргидек эътибор бўлмаган. Не бахти, истиқлолнинг дастлабки йилларида Президентимиз ташаббуси ва раҳбарлигида таълим-тарбия тизимини тубдан янгилашдек ғоят муҳим ва мураккаб ишга киришилди.

(Давоми 2-бетда).

# Жаҳон тиббиётидаги илғор тажрибалар

**пойтахтимизда иш бошлаган “UzMedExpo — 2012”**
**V халқаро ихтисослаштирилган тиббиёт кўргазмасида намойиш этилмоқда**




Мазкур тадбир *“IEG Uzbekistan”* халқаро кўргазмалар компанияси, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Республика Савдо-саноат палатаси, “Ўзфармсаноат”, “Дори-Дармон” ДАК ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилди. Кўргазмада тиббий асбоб-ускуналар, дори-дармон ва шифобахш воситалар, стоматология жиҳозлари, даволаш косметикаси, тиббий кийимлар ҳамда ортопедик буюмлар намойиш қилинмоқда. Анъанага мувофиқ, бу гал ҳам экспозицияда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар билан бирга Беларусь, Германия, Жанубий Корея, Италия, Ҳиндистон, Украина, Чехия, Швейцария давлатларининг етакчи компаниялари ҳамда жаҳондаги нуфузли тиббиёт олий ўқув юртлари вакиллари қатнашмоқда.

## «UzMedExpo — 2012»

— Тошкентдаги тиббиёт кўргазмасида биринчи бор иштирок этаяпмиз, — дейди “Mahsa University College” (Малайзия)-нинг халқаро маркетинг ишлари бўйича бош менежери Муҳаммад Эмри Бин Рамсах. — Юртингизда замонавий тиббиётнинг энг сўнгги янгиликларидан бохабар бўлишга интиладиган ёшлар кўпчилик эканлигини биз илк кунданоқ ҳис этдик.

(Давоми 3-бетда).

## Истиқболли лойиҳаларга молиявий кўмак

**Бир рақам шарҳи**

2012 йилнинг биринчи ярмида мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига тижорат банклари томонидан ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан

**1,4** баробар кўп ҳажмда кредит ва микрокредитлар ажратилди.

***Иқтисодиётнинг мазкур соҳасини жадал ривожлантиришни рағбатлантириш борасида кўрилган бундай чора-тадбирлар ишбилармонлик ҳаракатини янада тараққий эттириб, ишлаб чиқариш, саноат, қурилиш, экспорт ва аҳоли бандлигини таъминлашда етакчи куч сифатида майдонга чиқишида муҳим омил бўлди.***

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

"Ўзбекистонда миллий қонунчилик инсон ҳуқуқлари ва демократлаштириш соҳасида халқаро стандартларга мос бўлиши учун барча зарур чора-тадбирлар кўрилмоқда, — дейди Франция Давлат кенгаши аъзоси, Халқаро конституция ҳуқуқи ассоциацияси президенти Дидье Мос. — Мамлакатингиз мустақилликка эришганидан буён ушбу олий мақсадлар сари дадил интилмоқда. Албатта, бу узоқ давом этадиган жараён. Аммо шуниси муҳимки, Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини таъминлаш самарадорлигини оширишга қаратилган сиёсий ирода мавжуд. Дунёда барча учун мутлақо ягона тизим бўлмаганидек, бир-бирига ўхшаш демократия тизимлари ҳам мавжуд эмас. Ҳар бир давлат ўз йўли, ўз тажрибасига эгадир. Қонунчиликни яратишда миллий шароитларни инобатга олиш, шунингдек, Конституция ва қонунларга киритиладиган ўзгартишлар Ўзбекистонда бўлгани каби, изчил тараққиётга мос бўлиши керак".

Хорижлик экспертлар истиқлол йилларида Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг барча жабҳаларида улкан ютуқларга эришганини қайд этди. Мамлакатимизда барқарор ва жадал ривожланиб бораётган сиёсий тизим, профессионал асосда фаолият кўрсатаётган икки палатали парламент ташкил этилди. Қабул қилинаётган қонунлар сифати ва асослилиги яхшиланди. Фуқаролар, сиёсий партияриш борасида амалга оширилаётган туб ислоҳотлар мамлакатимизнинг демократик қадриятлар тарафдори эканининг ёрқин ифодасидир. Суд ҳокимияти мустақиллиги таъминланди, судлар ихтисослашди, кассация институти ислоҳ қилинди, ишларни қайта кўриб чиқишнинг апелляция тартиби, ярашув институти жорий этилди, суд амалиётининг барча босқичларида томонлар тенглиги кафолатланди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқи тўғрисидаги моддасини бажариш доирасида 2008 йилнинг 1 январидан мамлакатимизда ўлим жазоси бекор қилинди, қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилди. Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини янада либераллаштириш ва инсонпарварлик тамойилларига мувофиқлаштириш жараёни давом эттирилмоқда.

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида суднинг мустақиллиги, холислиги ва беғаразлигини таъминлаш механизмини ривожлантириш, "Хабеас корпус" институтини қўллаш соҳасини янада кенгайтириш, суд жараёнида тортишувни кучайтириш, жиноят қонунчилигини тобора либераллаштириш, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш ва инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантириш бўйича қонунчилик чора-тадбирлари белгиланган. Хорижлик ҳуқуқларини биладиган, тушунадиган ва улардан фойдаланадиган одамларгина мамлакатда демократик жараёнларни такомиллаштиришда иштирок этиши мумкин".

Шунингдек, конференцияда очиқ фуқаролик жамиятини шакллантириш ва унинг барча институтларини ривожлантириш ҳуқуқий демократик давлат барпо этишнинг муҳим таркибий қисми ва оммавий ахборот воситалари шундай институтлардан бири экани қайд этилди. Мамлакатимизда ахборот соҳасини босқичма-босқич демократик ислоҳ этиш, бу жараённинг қонунчилик асосларини такомиллаштириш, фуқароларнинг фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги бўйича конституциявий ҳуқуқларини тўлиқ амалга ошириш, ислоҳотларнинг ошкоралиги, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш, оммавий ахборот воситаларининг эркинлиги ва иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлаш борасида аниқ мақсадли комплекс ишлар амалга оширилаётир. Натижада Ўзбекистонда фақат кейинги 10 йилнинг ўзида босма оммавий ахборот воситаларининг сони 1,5 баробар, электрон оммавий ахборот воситаларининг сони эса 7 баробар кўпайиб, бугунги кунда фаолият кўрсатаётган қарийб 1250 оммавий ахборот воситаларининг аксарияти нодавлат ҳисобланади. Айни пайтда давлатимиз раҳбари томонидан қўйилган вазифаларга биноан мамлакақоидалари амалда айнан шу тарика рўёбга чиқарилмоқда".

Ўзбекистонда Асосий Қонунга биноан, ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларини ислоҳ этиш ва демократлаштириш сиёсати миллий иқтисодиётимизни жадал, барқарор ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини мунтазам ошириш учун мустаҳкам пойдевор яратди. Ҳаттоки, глобал молиявий-иқтисодий инқироз даврида ҳам ўтган йиллардаги каби Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари камида ўртача 8,2 фоизни ташкил қилгани ана шундан далолат беради. Мамлакатимизда кучли, рақобатбардош, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти таркиб топди, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси жадал ривожланмоқда. Бугунги кунда ушбу соҳанинг ялпи ички маҳсулотга қўшаётган ҳиссаси 54 фоиздан ортиб бораётир, ички ва ташқи бозорда харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган янги корхоналар барпо этилиб, янги иш ўринлари очилмоқда, аҳоли даромадлари ошмоқда.

Конференция қатнашчилари тарихан қисқа муддат ичида Ўзбекистон бундай улкан иқтисодий муваффақиятларга мамлакатимиз Конституциясининг иқтисодий фаолият ва тадбиркорлик эркинлиги, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлиги ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини, хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва устувор бўлиб,

# ДЕМОКРАТИК ТАРАҚҚИЁТ ВА ФАРОВОНЛИГИМИЗ КАФОЛАТИ

лар ва бошқа фуқаролик жамияти институтлари, жумладан, нодавлат нотижорат ташкилотларининг мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ривожлантиришга доир муҳим вазифаларни бажаришда эркин ва фаол иштирок этиши учун зарур ташкилий-ҳуқуқий, моддий-техник шароитлар яратилди.

Ушбу ижобий демократик жараён тобора жадаллашмоқда. Президентимиз томонидан илгари сурилган концепцияда баён этилган қонунчилик ташаббуслари асосида парламентаризм, фракциялараро кураш ва партиялараро рақобатни таъминлаш соҳасида миллий қонунчилигимиз изчил такомиллашиб бормоқда. 2011 йилнинг мартида "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)"ги Қонуннинг қабул қилингани бу борада муҳим омил бўлди. Мазкур ҳужжат давлат ҳокимияти ва бошқарувини янада демократлаштириш, давлат ҳокимиятининг учта субъекти: давлат бошлиғи — Президент, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар ўртасидаги ваколатларнинг янада мутаносиб тақсимланишини таъминлаш, шунингдек, демократик ислоҳотларни амалга оширишда сиёсий партияларнинг роли ҳамда таъсирини кучайтиришга қаратилган. Қонунга биноан, Президент ваколатларининг бир қисми Сенатга ўтказилди, мамлакат Бош вазирининг ҳуқуқ ва ваколатлари кучайтирилди. Буларнинг барчаси Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамланган давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилиши тўғрисидаги қоидага тўлиқ жавоб беради ҳамда ҳокимиятлар бўлинишининг конституциявий принципини амалга ошириш, ўзини тийиб туриш ва мувозанат мутаносиблиги тизимини ташкил қилишга ёрдам беради.

Анжуманда Ўзбекистонда "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" принципига мувофиқ, юксак демократик талаблар ва халқаро ҳуқуқ стандартларига мос миллий сайлов тизими яратилгани таъкидланди. Кўп партиявийлик асосида мунтазам ўтказилаётган сайловлар мамлакатимиз Конституциясида фуқароларнинг сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи кафолатланганининг ёрқин ифодаси бўлиб, бу уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини, жамият ва давлат бошқарувидаги ролини оширишга хизмат қилаётир. Хорижий экспертлар бу борада давлатимиз раҳбари томонидан тақдим этилган концепцияда баён қилинган сайлов жараёнларини янада демократлаштиришга, хусусан, "сайловолди ташвиқоти" тушунчасига аниқ таъриф бериш, уни олиб бориш турлари, шакл ҳамда усулларини, шунингдек, муддатидан олдин овоз бериш тартиб-қоидасини белгилаш, жамоатчилик фикри сўровлари маълумотларидан фойдаланишни тартибга солиш, Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига депутатлар сайловининг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлашга қаратилган қонунчилик ташаббусларининг ўта муҳимлиги ва долзарблигини қайд этдилар. Экспертларнинг фикрича, ушбу нормаларнинг сайлов қонунчилигига жорий этилиши Ўзбекистон Республикаси Конституцияси бераётган юксак самараларнинг яна бир ёрқин тасдиғидир.

Суд-ҳуқуқ тизимини эркинлаштиэкспертлар бу чора-тадбирлар ниҳоятда долзарблиги, тизимлилигини ва мамлакатимизни демократик изчил ривожлантиришга мос келишини алоҳида таъкидлади.

"Мамлакатингизда ўлим жазосининг бекор қилингани ва суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш борасидаги бошқа муҳим ишлар Ўзбекистоннинг илғор демократия тенденциялари томон ҳаракат қилаётганидан далолат беради, — деди Европа Иттифоқининг Венеция комиссияси ҳамкорлик бўлими раҳбари Сергей Кузнецов. — Комиссиямиз турли давлатларга инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро тажрибани тақдим этиш орқали ушбу соҳани демократлаштиришга кўмаклашмоқда. Ўзбекистон билан 2009 йилдан буён ҳамкорлик қилиб келмоқдамиз. Айниқса, Олий суд ва унинг ҳузурида фаолият кўрсатаётган Тадқиқот маркази билан яқин шериклик муносабатлари ўрнатилган. Сўнгги уч йилда, хусусан, "Хабеас корпус" ва медиация институтларини жорий этиш билан боғлиқ ҳуқуқий ислоҳотларнинг кўплаб жиҳатлари, шунингдек, конституциявий ҳуқуқни ривожлантиришнинг умумий масалалари бўйича қатор қўшма тадбирлар ўтказдик. Мазкур дастур ниҳоясига етди, аммо барча иштирокчилар учун фойдали ва амалий бўлган ҳамкорликни давом эттириш ниятидамиз".

Умуман, конференцияда Ўзбекистонда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, қўллаб-қувватлаш ҳамда ҳимоя қилиш борасида катта тажриба тўплангани ҳақида сўз юритилди. Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар тизими ташкил қилинди, бу борадаги ишлар самарадорлиги Асосий Қонунимиз нормаларининг сўзсиз бажарилишига асосланган. Мустақил бўлган бу институтлар бир-бирини такрорламасдан жамиятимизда қонун устуворлиги, фуқароларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш принципларига риоя этилишига хизмат қилаётир.

Хорижий экспертлар мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш масалалари бўйича ноёб ва яхлит узлуксиз таълим ҳамда маърифий тизим шаклланган ҳам муҳимлигига эътибор қаратди. Улар давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган Инсон ҳуқуқлари соҳасида миллий ҳаракат дастури ушбу йўналишдаги ишларни янада юксак даражага кўтаришига ишонч билдирди.

"Ҳар бир давлат ўз ривожланиш йўлини танлашга ҳақли, аммо демократиянинг қонун устуворлиги каби умумий принципи мавжуд, — деди Халқаро прокурорлар ассоциацияси президенти Жеймс Хамильтон (Ирландия). — Бу эса жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлайдиган Конституция билан тасдиқланиши лозим. Унинг қоидалари амалда самарали қўлланиши ҳам ғоят муҳимдир. Ҳар қандай инсон ўз ҳуқуқлари бузилганда судга мурожаат қилиши ва суд уларни ҳимоя қилишига амин бўлиши даркор. Бу эса Конституциянинг амалга оширилаётганини тасдиқлайди. Ўзбекистонда сўнгги йигирма йилда конституциявий қурилиш соҳасида катта ютуқларга эришилди. Мамлакатингизнинг Асосий Қонуни умумэътироф этилган барча жаҳон стандартларига мос келади. Яна шуниси муҳимки, Ўзбекистонда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Негаки, Конституцияда мустаҳкамланган ўз тимиз парламенти янги қонунлар ишлаб чиқмоқда, амалдаги қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритмоқда. Булар, ўз навбатида, ахборот соҳасини янада демократлаштириш, оммавий ахборот воситаларини одамлар ўз фикр ва ғояларини, содир бўлаётган воқеаларга ўз муносабати ва позициясини эркин ифода этадиган минбарга айлантиришга хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида қайд этилганидек, фуқаролик институтлари ҳозирги кунда демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилига айланмоқда, фуқароларнинг ўз салоҳиятларини рўёбга чиқариши, уларнинг ижтимоий, социал-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун шароит яратмоқда, жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашга кўмаклашмоқда. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ, мамлакатимизда давлат жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлайди, уларга тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб беради.

Бу принцип ҳаётда ҳам ўз ифодасини тўлиқ топмоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда жамият ҳаётининг турли соҳаларида 6 мингдан зиёд нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолият юритмоқда. Уларга давлат томонидан субсидиялар, грантлар ва ижтимоий буюртмалар шаклида катта ёрдам кўрсатилмоқда. Биргина 2012 йилда ушбу мақсадларга Давлат бюджетидан 6 миллиард сўм ажратилди. Буларнинг барчаси фуқаролик институтларининг фаоллиги, мамлакатимизда ҳаётга татбиқ этилаётган ислоҳотлар, шу жумладан, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини амалга оширишда уларнинг ролини кучайтиришга ёрдам бермоқда, давлатимиз раҳбари томонидан адолатли фуқаролик жамиятини янада юксалтиришга доир белгилаб берилган вазифаларни ҳал этишда муҳим омил бўлмоқда.

"Мустақил Ўзбекистон Конституцияси инсонни олий қадрият, унинг ҳуқуқлари, эркинлиги ва манфаатларини таъминлаш устуворлигини эълон қилди, — деди Конрад Аденауэр номидаги жамғарманинг Марказий Осиё бўйича ваколатхонаси раҳбари Томас Кунце (ГФР). — Ушбу ҳужжат қабул қилинганига атиги 20 йил бўлса-да, унда мустаҳкамланган ва мамлакатингиз тараққиётига бевосита таъсир кўрсатадиган асосий принципларнинг амалга оширилиши салмоқли натижалар бераётганининг гувоҳи бўлмоқдамиз. Айниқса, дунёнинг, жумладан Европанинг кўпгина ривожланган давлатлари конституцияси улардаги қоидаларни амалга татбиқ этиш жараёни каби кўп асрлик тарихга эга эканини ҳисобга оладиган бўлсак, бу жуда катта ютуқдир. Мамлакатингизда мустақил ривожланиш даврида тинчлик ва осойишталик сақланиб турганини ҳам алоҳида қайд этиш жоиз. Бу инвестицион муҳит учун ҳам, узоқ муддатли иқтисодий ҳамкорлик учун ҳам жуда муҳим. Бутун Марказий Осиё минтақасида барқарорлик ва тинчлик сақланаётганида Ўзбекистоннинг хизмати каттадир ва буни эътироф этмасдан бўлмайди. Мамлакатингизда риоя қилинаётган Конституциянинг давлат ҳимоясида эканини кафолатлайдиган нормаларининг самарали амалга оширилиши туфайли эришганини таъкидладилар.

Хорижлик экспертлар мамлакатимизда тинчлик, барқарорлик, миллатлараро ва динлараро тотувликни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш истиқлол йилларида Ўзбекистон эришган энг муҳим ютуқ эканини якдиллик билан қайд этди. Бу Конституциямизда Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлаши, уларнинг ривожланиши учун шароит яратиши борасида мустаҳкамланган принципга қатъий риоя этилаётганининг бевосита натижасидир.

"Ўзбекистонда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари тинч-тотув ва аҳил-иноқ яшамоқда, — деди Словакия инсон ҳуқуқлари миллий маркази ўқитувчиси Томас Фолдес. — Бу жуда катта ютуқ бўлиб, мамлакатингизда фуқароларнинг миллати, тили ва динидан қатъи назар, Конституция томонидан кафолатланган бир хил ҳуқуқ ва эркинликларига тўлиқ риоя этилаётганидан далолат беради. Шунингдек, асосий ҳуқуқлардан бири бўлган фуқароларнинг шахсий мулкка эгалик бўйича Конституцияда белгиланган ҳуқуқи ҳам катта аҳамиятга эгадир. Буларнинг барчаси Европанинг инсон ҳуқуқлари бўйича позициясига мос келади. Ўзбекистон қонунчилиги мунтазам такомиллаштирилмоқда. Масалан, айни пайтда давлатингиз раҳбарининг янги ташаббусларига мувофиқ Конституцияга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда. Бу жамиятингиз олға қараб ривожланаётгани, яъни Ўзбекистонда демократлаштириш жараёни тўғри йўналишда амалга оширилаётганидан далолат беради".

Хорижлик экспертларнинг қайд этишича, миллий қонунчилигимизнинг асосий қоидалари асосида мунтазам такомиллашиб бораётгани Конституциянинг халқимиз ҳаётида муҳим ўрин эгаллаганини тасдиқлайдиган муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Анжуманда сўзга чиққанлар Президентимиз Ислом Каримовнинг Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида баён қилинган янги қонунчилик ташаббусларининг ҳаётга татбиқ этилиши Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва демократияни ривожлантиришда мутлақо янги босқични бошлаб берганини ва бу мамлакатимизга яқин келажакда замонавий ривожланган, демократик давлатлар қаторига қўшилиш имконини беришини таъкидладилар.

Халқаро конференция иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси Конституциясида янги, илғор конституция модели ўз ифодасини топганини қайд этди. Мазкур ҳужжат давлатимиз ва жамиятимизнинг тадрижий ҳуқуқий ривожланиши, уларнинг демократик ислоҳотлар жадаллиги ва самарадорлигини ошириш мақсадида ўзаро ҳамкорлик қилиши учун барча зарур шарт-шароитларни яратади, барқарор демократияни қуришга интилаётган дунёнинг кўплаб давлатлари учун намуна бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Конференция якунлари бўйича тегишли тавсиялар қабул қилинди.

**Анна ИВАНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# Кенг имкониятлар, манфаатли мулоқотлар




(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Пойтахтимиздаги "East Impeks Invest" масъулияти чекланган жамиятида "Nusi" савдо белгиси остида ишлаб чиқарилаётган печеньеларни бугунги кунда нафақат юртимизда, балки хориж давлатларида ҳам яхши билишади. Чунки улар табиий маҳсулотлардан тайёрлангани, сифати юқорилиги боис тобора харидоргир бўлиб бораяпти.

— Мамлакатимизда ишбилармонларга яратилган кенг имкониятлардан унумли фойдаланиб, фаолиятимизни янада кенгайтириш пайидан бўлаяпмиз, — дейди корхона вакили Мурод Тўхтаев. — Сўнгги йилларда маҳсулотларимиз тури бир нечтага кўпайиб, кўргазмага олиб келган 30 яқин маҳсулотларимизнинг 15 таси янги печеньелар эканлиги бунинг исботидир. Яна бир гап. Бир қатор халқаро кўргазмаларда бизнинг маҳсулотларимиз ташкилотчилар томонидан "Энг яхши озиқ-овқат маҳсулоти" сифатида эътироф этилган. Бу ҳам қайсидир маънода, бизни изланишга ундади, десам, муболаға бўлмайди.

Жорий йилнинг 5 октябрига қадар давом этадиган халқаро кўргазма доирасида кўплаб тақдимот маросимлари ва конференциялар ўтказилиши режалаштирилган бўлиб, бу унинг самарали бўлишидан далолатдир.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**СУРАТЛАРДА:** халқаро кўргазма фаолиятидан лавҳалар.

**Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.**

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Таълим-тарбия тизимини замон талаблари даражасига кўтариш, кадрлар тайёрлашнинг янги тизимини барпо этиш, келажак учун баркамол, салоҳиятли авлодни тарбиялаш мақсадида "Таълим тўғрисида"ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилинди. Қонун ва Дастур талабларини ҳаётга татбиқ этиш ишлари давлат сиёсатининг устувор йўналиши этиб белгиланди. Шу асосда қонуности ҳужжатлари ишлаб чиқилди. Марказий Осиё мамлакатлари орасида биринчи бўлиб миллий таълим катлар ҳозирданоқ ўз самарасини бермоқда. Жумладан, 1995 йилгача республикамиз мактаб ўқувчилари бирорта ҳам халқаро фан олимпиадаларида қатнашмаган бўлишса, 1995 — 2011 йиллар давомида улар химия, биология, физика, математика, информатика, хорижий фанлардан нуфузли танловларда қатнашиб, ҳеч кимдан кам эмаслигини дунё аҳлига намойиш этишди. Иқтидорли болаларимиз мазкур нуфузли олимпиадаларда жами 244 та медаль, шундан 20 та олтин, 49 та кумуш, 175 та бронза медалига сазовор бўлди. Айниқса, кимё фани бўйича Тошкентда

# Келажагимизнинг мустаҳкам пойдевори

тизимини ифода этган ва таълимнинг ўзбек моделига хос давлат таълим стандартлари ишлаб чиқилди ва амалиётга киритилди. Шу аснода таълим-тарбия олишнинг ҳуқуқий асослари яратилди. Бугунги кунда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш натижасида "ўрта-махсус касб-ҳунар таълими"-ни ўз ичига олган 12 йиллик таълим тизимига ўтиш ишлари якунланди.

Эътироф этиш керак, кейинги йилларда мамлакатимизда 9763 та умумтаълим мактаби, 300 дан зиёд мусиқа ва санъат мактаби, 143 та академик лицей, 1406 та касб-ҳунар коллежи, 59 та олий ўқув юртида катта ҳажмдаги қурилиш ва реконструкция ишлари олиб борилди ҳамда уларнинг моддий-техник ва ўқув-методик базаси мустаҳкамланди. Бу эса, ўз навбатида, таълим соҳасидаги ислоҳотларнинг миқёси ва кўлами нақадар улкан эканидан далолат беради. Шунингдек, энг замонавий кўринишда қуриб битказилаётган кўплаб спорт мажмуалари ёшларни жисмонан бақувват бўлиб вояга етиши ҳамда уларнинг спорт билан шуғулланишларини оммалаштиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бунинг самараси ўлароқ йигит-қизлар уч босқичли тизим — "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва Универсиада мусобақаларида фаол қатнашиб, ўз иқтидорларини намоён этишмоқда.

Шу ўринда олий таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларни ҳам алоҳида қайд этиш жоиз. Хусусан, айни пайтда 65 та олий ўқув юртининг 32 таси вилоятларда фаолият кўрсатмоқда. Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификаторида таълим йўналишлари сони 139 тадан 195 тагача, мутахассисликлар сони 1145 тадан 1395 тагача кўпайди. Бундан ташқари, давр талаби билан янги олий таълим муассасалари барпо этилди. Эндиликда ёшлар замон билан ҳамнафас бўлиб, яратилган имкониятлардан тўла-тўкис фойдаланишмоқда.

Шубҳасиз, таълим тизимида олиб борилаётган кенг кўламли саъй-ҳаракатлар ҳозирданоқ... ўтказилган Халқаро Менделеев олимпиадасида ўқувчиларимиз 10 та медални қўлга киритиб, биринчи ўрин соҳиби бўлгани, Испанияда 97 та мамлакат ўртасида ўтказилган математика олимпиадасида 4 та совринли ўринни олишгани, Франция ва Италияда бўлиб ўтган халқаро кўрик-танловнинг мусиқа йўналишида юқори поғоналарни эгаллаб, Ватанимиз байроғини баланд кўтаришгани барчамизни бирдек қувонтиради. Бу, албатта, юртимизда таълим-тарбия ва илм-фаннинг қанчалик юқори салоҳиятга эга эканлигидан далолат беради.

Қолаверса, шу йил 16-17 февраль кунлари пойтахтимизда "Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти" мавзуида халқаро конференция ташкил этилгани ҳам ушбу ютуқларимиз билан бевосита уйғундир. Мазкур анжуманда иштирок этган БМТ ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарлари, таълим соҳасида фаолият юритаётган таниқли мутахассислар ҳамда экспертлар томонидан Ўзбекистоннинг таълим модели юксак эътироф этилгани, Президентимизнинг байрам табригида қайд этилганидек, Ватанимизнинг жаҳондаги обрў-эътиборини янги босқичга кўтаришга катта хизмат қилди.

Мухтасар айтганда, бугун фидойи устозлардан сабоқ олган ёшлар онгида ўзига ишонч, эртанги кунга умид, мамлакатда юз бераётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларга дахлдорлик ҳисси пайдо бўлмоқда. Энг муҳими, улар қалбида шу Ватан меники, шу Ватанни обод этиш менинг вазифам, деган туйғу бўй кўрсатаётир. Бунда, шубҳасиз, ўқитувчилар, мураббийларнинг фидокорона меҳнати, фаолияти мужассамдир.

**Абдуғафур МАМАТОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси.**

## МИЛЛИЙ АНЪАНАЛАРГА ЭҲТИРОМ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Давра суҳбати иштирокчилари миллий кинематографиямизда бир неча ўн йиллар давомида шаклланган ижодий анъаналар, унинг тарихи ҳақида тўхталдилар. Айни пайтда мавжуд бебаҳо анъаналар ўзбек киносининг келгуси тараққиёт йўналишини белгиловчи муҳим омил ҳисобланади.

— Европада Шарқ кино санъатига қизиқиш бениҳоя катта, — дейди Буюк британиялик Филипп Бергсон. — Ўзбек фильмларида ҳиссий туйғулар етакчилик қилишини пайқадим. “Олтин Гепард” иккинчи халқаро кинофоруми бизни бой миллий маданиятингиз билан таништиришга хизмат қилади, албатта.

**М. АНВАРОВА.**

# Жаҳон тиббиётидаги илғор тажрибалар

**пойтахтимизда иш бошлаган “UzMedExpo — 2012”**
**V халқаро ихтисослаштирилган тиббиёт кўргазмасида намойиш этилмоқда**

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўқув юртимиз тиббиёт йўналишидаги олий таълим даргоҳи бўлганлиги боис кўргазмага келган талаба ва ўқувчи-ёшларда катта қизиқиш уйғотмоқда. “Mahsa University” жаҳонда тиббиёт йўналишидаги нуфузли таълим даргоҳларидан бири ҳисобланади. Университетда умумий тиббиёт, фармацевтика, стоматология, аҳоли соғлиғи муҳофазаси, ҳамширалик, лаборатория иши каби йўналишлар бўйича 11 минг нафардан зиёд талабалар таҳсил олмоқда. Улар орасида дунёнинг 65 мамлакатидан келган ёшлар ҳам бор. Таълим инглиз тилида олиб борилади.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, “UzMedExpo” кўргазмаси кенг жамоатчилик ва соҳа мутахассисларига замонавий тиббиётнинг энг сўнгги ютуқлари билан яқиндан танишиш имконини бермоқда. Муҳими эса, ушбу тадбир туфайли ишлаб чиқарувчилар бугунги бозор талабини, мижозларнинг таклиф ва эҳтиёжларини ўрганмоқдалар.

— Биз Ҳиндистон давлатининг “Biomedicare” компанияси дилери сифатида етти йилдан буён фаолият кўрсатмоқдамиз, — дейди “Biomedicare шрей” фирмаси менежери Саида Ёқубова. — Тавсия этаётган дори-дармон воситаларимиз юрак-қон томир, бош мия ва асаб тизими, шунингдек, ички аъзолар хасталикларида қўлланади. Уларнинг барчаси табиий гиёҳлардан тайёрланган бўлиб, организм учун мутлақо зарарсиз ҳисобланади. Пойтахтимизда ўтказиладиган тиббиёт кўргазмаларида доимий иштирок этганимиз боис ҳар доим харидор талабига яраша маҳсулот етказиб беришга ҳаракат қиламиз. Масалан, ўтган гал худди шу кўргазмада кўпчилик “Псоркьюр” номли препаратнинг суртмаси борми ёки йўқлиги билан қизиққан эди. Ана шу эҳтиёждан келиб чиқиб, компаниямизда ушбу дори суюқ ёғли суртма шаклида ҳам ишлаб чиқарила бошланди.



Маҳаллий фармацевтика компанияларидан бири — “Nikapharm”, мана беш йилдирки, самарали фаолият кўрсатмоқда. Бугун мазкур корхонада 70 хилдан зиёд дори-дармон, гигиена ва антисептик воситалар, шунингдек, шифобахш чойлар ишлаб чиқарилаётир.

— Маҳсулотларимиз нафақат юртимиз, балки жаҳон бозорида ҳам ўз харидорига эга, — дейди компаниянинг савдо ишлари бўйича менежери Елена Ким. — Ҳозирги кунда дори воситаларимизни Грузия, Озарбайжон, Қозоғистон ва Мўғулистон давлатларига экспорт қилмоқдамиз. Бугунги кўргазмада янгидан-янги ҳамкорлар орттириш ниятидамиз.

Кўргазма 5 октябрга қадар давом этади.

***Муборак ОХУНОВА,***
***«Халқ сўзи» мухбири.***

## ЖАҲОН 24 соат ичида

### Чипталар қимматлашди

***Дунё миқёсида дизель ёнилғиси баҳосининг кўтарилгани боис кўплаб авиаташувчилар чипталар нархини оширишга мажбур бўлмоқда.***



Германиянинг “Lufthansa” авиакомпанияси биринчилардан бўлиб ана шундай йўл тутди. Хусусан, эндиликда унинг хизматидан фойдаланадиганлар қайси давлатга боришларидан қатъи назар, оддий турдаги чиптани 20, бизнес-класс учун мўлжалланганини эса 60 евро қимматига сотиб олишади.

Африка, Америка, Осиё мамлакатларида фаолият олиб бораётган айрим авиакомпаниялар ҳам шундай йўл тутишни маъқул кўрган.

### Ўсиш суръатлари паст баҳоланди

***Халқаро валюта жамғармаси жаҳон иқтисодиёти ўсиш кўрсаткичларини паст баҳолади.***

Жумладан, ташкилот раҳбари Кристин Лагард Вашингтонда қилган чиқишида жорий йилда дунё бўйича ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 3,5, кейинги йилда эса 3,9 фоизни ташкил этишини билдирди.

Унинг сўзларига кўра, жаҳон иқтисодиёти “ўз аравасини тортиши”га қийналаётганига, айниқса, Европада давом этаётган мураккаб молиявий-иқтисодий вазият сабаб бўлмоқда. Шу боис Лагард “Кўҳна қитъа” етакчиларини зудлик билан зарур чоралар кўришга чақирди.

### Натижалар кўнгилдагидек эмас

***Замонавий ахборот технологиялари ишлаб чиқарувчи АҚШнинг “Apple” компанияси акциялари 3 фоизга арзонлашди.***



Бунга маҳсулотлар савдоси сусайгани сабаб бўлган. Компания мутасаддилари вазият бундан-да мураккаб тус олмаслиги учун тезкор чоралар қўллашга киришди. Масалан, харидорлар эътиборини жалб этиш мақсадида айрим турдаги маҳсулотлар нархи сезиларли даражада арзонлаштирилди. Бу усул қандай натижа беришини, албатта, вақт кўрсатади.

Экспертлар агарда “Apple” фаолияти билан боғлиқ бундай салбий жараёнлар бир ой давом этгудек бўлса, у бозордаги мавқеини йўқотиши мумкин, деган фикрни илгари суришмоқда.

### Олтинга талаб ортган

***Охирги беш йил ичида Вена шаҳридаги олтин қуйиш давлат корхонаси маҳсулотларига бўлган талаб 10 карра ортган.***



Ваҳолонки, ушбу даврда қимматбаҳо металлнинг қиймати қарийб беш баробарга кўтарилган. Мутахассисларнинг изоҳлашича, Европада ягона валюта — евро курсининг пасайиши натижасида минтақадаги қатор мамлакатлар, хусусан, Греция, Испания, Италияда молиявий аҳволнинг кескинлашиши австрияликларни ҳам чўчитиб қўйган. Шу боис улар ўз жамғармаларини олтин кўринишида сақлашга ҳаракат қилмоқдалар.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

## «TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖ

**2012 йил 25 октябрь куни бошланғич нархи босқичма-босқич ошиб бориш тартибидаги очиқ аукцион савдоларини ўтказади.**

Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Алишер Навоий кўчаси, 19-уйда жойлашган «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Республика инкассация хизмати» ДУК балансидаги 1996 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами — 01 603 MBA, бошланғич нархи — 7 561 400 сўм бўлган «Нексия»; 1999 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами — 01 273 MBA, бошланғич нархи — 4 820 400 сўм бўлган «Тико»; 2000 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами — 01 769 FAA, бошланғич нархи — 4 550 700 сўм бўлган «Тико»; 2005 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами — 01 718 EAA, бошланғич нархи — 15 122 400 сўм бўлган «Нексия»; 2005 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами — 01 749 EAA, бошланғич нархи — 15 220 800 сўм бўлган «Нексия»; 2000 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами — 01 784 FAA, бошланғич нархи — 8 277 600 сўм бўлган «Дамас»; 1994 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами — 01 593 ZBA, бошланғич нархи — 7 621 900 сўм бўлган «Опель Вектра»; 1994 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами — 01 592 ZBA, бошланғич нархи — 8 190 600 сўм бўлган «Опель Вектра»; 2000 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами — 01 271 MBA, бошланғич нархи — 6 149 600 сўм бўлган «ГАЗ 3110»; 2000 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами — 01 347 GAA, бошланғич нархи — 10 160 400 сўм бўлган «ГАЗ 3110» русумли автотранспорт воситалари такроран аукцион савдоларига қўйилади.

Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш расмий иш кунларида мазкур эълон чиққан санадан бошланади ва савдо кунидан бир кун аввал соат 18.00 да тўхтатилади.

Савдоларда қатнашиш учун бошланғич нархнинг камида 20 фоизи миқдоридаги закалат пулини «TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк»и Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига: 20208000904929318002, МФО: 00425, СТИР: 302071274 тўланади.

Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш, тўланган закалат пули миқдори сотиб олиш тўлови миқдорининг 15 фоизидан камини ташкил этган тақдирда, етишмаётган суммани шартнома тузилгунга қадар тўлаб бериш шартлари юклатилади.

Тўловлар нақд пул шаклида ёки ҳисоб рақамидан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Мазкур автотранспорт воситалари юқорида белгиланган савдо кунида сотилмаган тақдирда, улар навбатдаги ҳафталарнинг пайшанба кунлари ўтказиладиган аукцион савдоларига қўйилади. Ушбу мол-мулкларга қизиқиш билдирган талабгорлар уларнинг ҳолати билан сотувчи ташкилотнинг юқорида кўрсатиб ўтилган манзилига бориб танишишлари мумкин.

**Аукцион савдолари соат 15.00 да бошланади ва қуйида кўрсатилган манзилда бўлиб ўтади:**
**Тошкент шаҳри, Мирobод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 16-«А» уй, Давлат мулки қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси биноси, 3-қават, 307-хона (Мажлислар зали).**

**Мурожаат учун тел./факс: (8-371) 233-23-40,**
**электрон почта: TUAS_MCHJ@mail.ru**

*Гувоҳнома № 005357*

1655R/1158

## «ҚУРИЛИШ-ЛИЗИНГ» ЛИЗИНГ ТАШКИЛОТИ




**2013 йилга ҚУРИЛИШ ТЕХНИКАСИНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ УЧУН БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.**

**МАВЖУД ТЕХНИК АНЖОМЛАР:**
- ТРУБА ЁТҚИЗГИЧ «PipeLineMan PMGY-70»;
- ЮК ОРТГИЧ ЭКСКАВАТОР «CHANGLIN WZ 30-25»;
- 25 тонна ЮК КЎТАРИШ ҚУВВАТИГА ЭГА БЎЛГАН АВТОСАМОСВАЛ;
- ЦЕМЕНТ ТАШИГИЧЛАР 45 куб. м.;
- ФРОНТАЛ ЮК ОРТГИЧ «CHANGLIN ZL50H».

**ШУНИНГДЕК, КИЧИК МЕХАНИЗАЦИЯ ВОСИТАЛАРИ ҲАМ МАВЖУД:**
- БЕТОН ҚОРУВЧИ ҚУРИЛМА БУ-0,5 М;
- РОССИЯДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН ТУРЛИ МОДЕЛЛАРДАГИ МАЙДАЛОВЧИ БОЛТАЛАР;
- ПАСАЙТИРУВЧИ ТРАНСФОРМАТОРЛАР, ЧУҚУРЛИК ВИБРАТОРЛАРИ, БЕТОН АРАЛАШТИРГИЧЛАР.

**КЕЛИШИ КУТИЛАЁТГАН УСКУНАЛАР:**
- «HYUNDAI» МАРКАДАГИ ҒИЛДИРАКЛИ ВА ЗАНЖИРЛИ ЭКСКАВАТОРЛАР.

Барча тўловлар миллий валюта — сўмда амалга оширилади.

**Манзил: Тошкент ш., Олтин водий к., 29-«А» уй.**

www.qurilish-lizing.uz

E-mail: kurilish2003@mail.ru

Маҳсулот сертификатланган.




**Тел.: (8-371) 250-73-14. Тел./ф.: (8-371) 250-51-04. Моб.: 189-95-41, (+99890) 958-61-61.**

1663R/86

● Реклама ва эълонлар ●

## СОЛИҚ ТЎЛОВЧИ ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 272 ва 287-моддаларига асосан, эгалигида солиқ солинадиган мол-мулки ва ер участкалари бўлган жисмоний шахслар ҳамда деҳқон хўжаликлари жисмоний шахсларнинг мол-мулки ва ер солиқлари тўловчилари ҳисобланади.

Солиқ даври учун жисмоний шахслар томонидан тўланадиган мол-мулк ва ер солиғини тўлаш муддатлари ҳисобот йилининг 15 октябрига қадар этиб белгиланган.

Ўз вақтида тўланмаган солиқ суммасига ҳар бир кечиктирилган кун учун қонунда белгиланган тартибда пеня ҳисобланиб, қарздорлик суд тартибида мажбурий ундирувга қаратилади.

**Шундай экан, мол-мулк ва ер солиғини**
**15 октябрдан**
**кечиктирмай тўлашни унутманг!**

1616R/1133

*Давлат Солиқ қўмитаси Ахборот хизмати*

**Ташкилот ва корхоналар раҳбарлари диққатига!**

***Россия Федерациясининг йирик ойна ишлаб чиқарувчи корхоналари: Нижегород вилояти, Борск шаҳридаги «Эй Джи Си Борский стекольный завод» ҳамда Клин шаҳридаги «Эй Джи Си Глас Клин» очиқ акциядорлик жамиятлари билан тўғридан-тўғри ишлаб чиқариш алоқаларига эга бўлган***

## ХК «AGRO MARKER PLUS» МЧЖ

Ўзбекистон бозорига ойна ва кўзгулар етказиб беради.



**Тошкентдаги омборхонасидан сайқалланган (шаффоф) ойна таклиф қилади:**

1. 6 мм.ли, русуми М-1, ўлчами — 2 250 х 3 210 мм.;
2. 4 мм.ли, русуми М-1, ўлчами — 2 500 х 1 605 мм.;
3. Бронза рангли ойна (йодсимон) 4 мм.ли, русуми М-1, ўлчами — 2 550 х 1605 мм.;
4. MNGE кўзгуси (намликка чидамли) 4 мм.ли, русуми М-1, ўлчами — 2 550 х 1 605 мм.

1587R/1114

**Шартномалар Ўзбекистон товар-хом ашё биржаси орқали ҳам тузилиши мумкин.**

**Тел./факс: (8-371) 299-86-32, (+99890) 128-63-99. E-mail: agromarkerplus@mail.ru**

## ТАРОЗИЛАР

**Micros** Ўзбекистондаги расмий ҳамкор

**0,0001 гр. дан 250 тоннагача**

CAS Корпорацияси (Жанубий Корея)

МАССА-К Акциядорлик жамияти



**Сертификатланган + Сифат + Кафолат + Сервис**

- Кичик Бешёғоч к., 86 (соб. Глинка кўчаси, олдинги шаҳар ГАИси қаршисида), тел.: (+99871) 200-34-34, (қўш. 850, 858), факс: 281-43-65;
- Беруний к., («Тинчлик» метро бекати), тел.: (+99871) 120-85-85, 242-42-52, 249-39-50.

www.micros.uz; e-mail: scales@ucd.uz, micros@ucd.uz

1500R/770

## СОТАМИЗ:

- **ИСИТИШ ҚОЗОНЛАРИ*** 15 кВтдан 2000 кВтгача
- **БЛОКЛИ АВТОНОМ ҚОЗОНХОНАЛАР** 100 кВтдан 5000 кВтгача
- **НЕФТЬ, ГАЗ ва КИМЁ САНОАТИ УЧУН ЖИҲОЗЛАР*:** турли хил ҳажмдаги, босимга чидамли идишлар, сепараторлар, тиндиргичлар, иссиқликни алмаштириб турувчи қурилма, шовқинни пасайтирадиган мослама, машъала устуни ва каллаги, технологик реакторлар.
- **ЗАМОНАВИЙ ИССИҚХОНА МАЖМУАЛАРИ ТАЙЁР ҲОЛАТДА.**

*Буюртма бўйича.*
** Маҳсулот сертификатланган.*

**Офис тел.: (8-370) 715-01-48, 715-05-32.**
**Моб.тел.: (+99890) 900-70-86, (+99894) 932-45-64, (+99891) 777-32-48.**

e-mail: chks.uz@mail.ru www.chk-uz.com

836R/566

## РАСМИЙ ДИСТРИБЬЮТОР

**ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРХОНАСИДАН ТАКЛИФ ҚИЛАДИ**

**“КЧМ” ЧЎЯНДАН ТАЙЁРЛАНГАН ИСИТИШ ҚОЗОНЛАРИ**

**ШУНИНГДЕК:**

Маҳсулот сертификатланган Тўлов шакли турлича

**КАФЕЛЬ**
(девор ва пол учун)

**САНТЕХНИКА**
(катта ҳажмда унитаз ва қўлювгичлар)

**ЧЎЯН, ПОЛИМЕРМАРМАР ВАННАЛАР (ТУРЛИ ЎЛЧАМДА)**

**Тел.: (+99893) 546-87-45, тел./факс: 267-35-73.**

Савдо шохобчаси - Уста Ширин к.125, қурилиш бозори ичида №127

zakamsk-group@mail.ru

1260R/961

Тошкент автомобиль ва йўллар институти жамоаси ректор ёрдамчиси Шавкат Мирзамўминовга отаси **Турсунали МИРЗАМЎМИНОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

# Замонавий, муҳташам ва жозибали

*Президентимизнинг таклиф ва тавсиялари асосида барпо этилган замонавий, муҳташам “Бунёдкор” спорт мажмуасининг ишга туширилиши юртдошларимиз қалбида фахру ифтихор туйғуларини жўш урдирди. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек: “Ҳеч шубҳасиз, бундай гўзал, ҳар қандай юксак талабларга жавоб берадиган салобатли ва кўркам спорт мажмуасини барпо этганимиз биз учун энг устувор, энг олий мақсад бўлмиш болаларимизни, ёшларимизни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом авлод этиб ўстириш, спортчиларимиз, футболчиларимизнинг жаҳон спорт майдонларида юксак марраларни эгаллашига, Ўзбекистонимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини янада юксалтиришнинг гарови сифатида хизмат қилажак”. Бинобарин, ушбу муҳим воқеа нафақат футбол мухлислари, спортчилар, шу билан бирга, каттаю кичикнинг ўзаро суҳбатларида ҳам алоҳида ғурур билан бот-бот тилга олинмоқда.*



## Фахр

**Мирзаҳаким ТЎХТАМИРЗАЕВ, спорт шарҳловчиси:**

— Президентимизнинг 2011 йил 19 январдаги “2011 — 2013 йилларда республикада футболнинг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш ва уни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорида олий лига футбол клублари стадионларида телерадиошарҳловчилар учун замонавий ахборот-коммуникация воситалари билан жиҳозланган махсус хоналар ташкил этилиши, футбол ўйинларининг телевидение ва интернет тармоғи орқали тўғридан-тўғри узатилишини таъминлашга эришиш алоҳида белгилаб қўйилган. Ушбу ҳужжатда қайд этилган вазифалар ижросини “Бунёдкор” спорт мажмуаси мисолида кўриш мумкин. Жумладан, янги стадионда ОАВ вакиллари фаолият олиб бориши учун барча шарт-шароит муҳайё қилинган. Бу ерда мавжуд телевизион станция футбол репортажларини 20 дан зиёд камера ёрдамида тасвирга олиб, тўғридан-тўғри эфирга узатиш имконини беради.

Биласиз, ФИФА халқаро футбол учрашувларини ўтказиш учун стадионлардаги ёритиш тизими 1200 люкс бўлишини тавсия этади ва талаб қилади. Эътибор беринг, “Бунёдкор” 3200 люкс кучланишли ёритиш тизимига эга. Табиийки, бу ўта юқори сифатли телетасвир олиш имкониятини яратади. Мана шу жиҳатлари билан ҳам мазкур стадион дунёдаги энг замонавийларидан бири, дейишга лойиқ.

**Бахтинур ҲАМДАМОВ, Учтепа тумани, “Журжоний” маҳалла фуқаролар йиғини раиси:**

— Мустақиллик шарофати билан халқимизнинг яратувчанлик ва бунёдкорлик салоҳияти бутун бўйбасти билан кўз ўнгимизда намоён бўлмоқда. Жондан азиз фарзандларимизнинг нурли келажагини таъминлашга қаратилган бу каби саъй-ҳаракатлар замирида, шубҳасиз, ҳар томонлама баркамол ва етук авлодни вояга етказиш, жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтиришдек эзгу мақсад мужассамдир. Ана шу каби имкониятлар натижасида бугун ўзбек ёшлари жаҳон ареналарида ҳеч кимдан кам эмасликларини исботлаб, Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилмоқдалар.

Президентимизнинг “Бунёдкор” спорт мажмуасининг очилишига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи барчамизда унутилмас таассурот қолдирди. Айниқса, “Ўзбекистон — дунё тургунча турсин!” деган эзгу тилаклари дилимиздаги гап бўлди. Биз ана шу истакка қўшилган ҳолда, бахтимизга шундай тарихий ишларнинг бошида турган Юртбошимиз соғ-омон бўлсинлар, дея дуо қилдик.



# Электрон китоблар

*Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ўз китоблари фондини рақамлаштириш устида иш олиб бормоқда.*

## Маърифат

— Айни пайтда 6,5 млн. дона нашрнинг электрон нусхасини яратиш ҳаракатидамиз, — дейди кутубхонанинг халқаро алоқаларни ташкил қилиш хизмати раҳбари Алия Жапарова. — Юқори тезликка эга сканер атиги бир неча дақиқа давомида исталган китобни электрон кўринишга келтириши мумкин.

Эътиборлиси, мазкур лойиҳа тўлиқ рўёбга чиқарилгач, кутубхонада рўйхатдан ўтган, ID-картага эга ўқувчи республикамизнинг исталган ҳудудида туриб, интернет орқали зиё масканидаги манбаларнинг электрон нусхаларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлади.

**Ирода НАБИЕВА.**

## Футбол

*3 октябрь мамлакатимиз футбол мухлислари учун ёрқин ва ёқимли таассуротларни тақдим этган кун бўлди.*

# Икки ёрқин ғалаба

Шу куни Эронда бўлиб ўтаётган ўсмирлар ўртасидаги Осиё чемпионатининг дастлабки ярим финалида ўзбек футболининг истеъдодли ёшлари мезбонларга қарши майдонга тушиб, ўзларига билдирилган ишончни тўла оқлашди. Навқирон чарм тўп усталаримиз рақиблари устидан 3:2 ҳисобида ғалабага эришиб, финалга йўл олдилар. Голларга терма жамоамиз аъзоларидан Достонбек Ҳамдамов, Иззатилла Абдуллаев ва Отабек Шукуров муаллифлик қилди.

Мамлакатимизнинг амалдаги чемпиони “Бунёдкор” клуби ҳам Осиё чемпионлар лигасида муваффақиятли юришини давом эттирди. Вакилларимиз чорак финал жавоб учрашуви доирасида Австралиянинг “Аделаида Юнайтед” жамоаси устидан 3:2 ҳисобида зафар қучди.

Таъкидлаш жоизки, қизиқарли ва шиддатли кечган учрашув тақдири қўшимча бўлимларда ҳал бўлди. Миржалол Қосимов шогирдларидан Лутфулла Тўраев, Акмал Шораҳмедов ва Алибобо Раҳматуллаев киритган голлар туфайли “қалдирғочлар” ярим финалга йўл олишди.

**М. ҚОСИМОВ.**

# Сайёҳлар учун кинотеатр

*Хива шаҳрига ташриф буюраётган сайёҳлар учун яна бир қулайлик яратилди. Гап шундаки, Ичонқалъадаги Худойберган Девонов номли эски кинотеатрда катта ҳажмдаги таъмирлаш-тиклаш ишлари бажарилди.*

## Қулайлик

Эндиликда бутунлай янги қиёфа касб этган 400 ўринли ушбу масканда хорижлик сайёҳлар нодир, мумтоз киноасарларимиз билан бирга, юртимиз тарихи, табиати, халқимиз урф-одатлари, анъаналари акс эттирилган ҳужжатли фильмларни томоша қилишлари мумкин.

Айтиш лозимки, айни кунларда Ичонқалъадаги Кўҳна Арк, Қозикалон, Карвонсарой, Паҳлавон Маҳмуд, Тошҳовли меъморий обидаларида ҳам кенг кўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Бу тадбирлар ниҳоясига етгач, сайёҳларнинг Хивага бўлган қизиқиши янада ортиши, шубҳасиз.

**О. РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**









● Реклама ва эълонлар ●


**ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР РАҲБАРЛАРИ ВА ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА!**

**«ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» АК**

**«ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТРАНСПОРТ ТАРМОҒИ» ФИЛИАЛИ**

**АҲОЛИНИНГ АЛОҚА ХИЗМАТЛАРИГА БЎЛГАН ЭҲТИЁЖИНИ ҚОНДИРИШ, МАМЛАКАТИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИНИ БОШҚАРИШ ВА ТИНЧЛИГИ УЧУН ХИЗМАТ ҚИЛАЁТГАН МАГИСТРАЛЬ АЛОҚА ЛИНИЯЛАРИ ТАРМОҒИ МУҲОФАЗАСИНИ ТАЪМИНЛАШИНГИЗНИ СЎРАЙДИ.**

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 майдаги 210-сонли қарори билан тасдиқланган «Телекоммуникация линиялари ва иншоотларини муҳофаза қилиш қоидалари»га мувофиқ,** магистраль алоқа линияларининг муҳофаза зонасига рухсатсиз кириб ишлаш ва уларга шикаст етказувчи ҳар қандай турдаги ишларни бажариш, жумладан:

- рухсатсиз қурилиш ишлари олиб бориш ва иншоотларни тиклаш;
- магистраль алоқа кабель линиялари устидан йўл ва ўтиш жойлари ўтказиш, автомобиль, трактор ва бошқа транспорт воситалари учун тўхташ жойлари қуриш, жамоатчилик боғлари ва томорқалар ташкил этиш;
- магистраль алоқа кабеллари ўтган жойларни кўрсатувчи огоҳлантириш устунлари ва белгиларини ўзбошимчалик билан кўчириш, синдириш, кўмиб юбориш;
- турли қурилиш-монтаж ва портлатиш ишларини олиб бориш;
- магистраль алоқа кабель линиялари муҳофаза зонасида қудуқлар қазиш, шурф қурилиши ҳамда геологик, геодезия ва бошқа қидирув ишларини олиб бориш;
- чиқиндилар ташлаш, кислота, туз ва ишқор эритмаларини тўкиш;
- магистраль алоқа кабель линиялари ўтган ерда гулханлар ёқиш **ҚАТЪИЯН ТАҚИҚЛАНАДИ**.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча хўжалик юритувчи субъектлар ва жисмоний шахслар алоқа кабелларининг муҳофаза ҳудудларида ер қазиш, ер текислаш, тупроқ олиш, қурилиш ва бошқа ишларни қатъий равишда **ФАҚАТ АЛОҚА ХОДИМЛАРИНИНГ НАЗОРАТИ ОСТИДА** амалга ошириши лозим.

**АЛОҚА КАБЕЛЛАРИНИНГ ШИКАСТЛАНИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙМАНГ! ҲУШЁР ВА ЭҲТИЁТКОР БЎЛИНГ!**

Алоқа кабелларининг муҳофаза ҳудудларида алоқа ходимларининг назоратисиз ер қазиш, ер текислаш, тупроқ олиш ва бошқа ишларни бажариб, алоқа кабелларининг узилишига ёки уларга шикаст етказилишига йўл қўйган ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ёхуд жисмоний шахс қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади ва алоқа корхоналарига келтирилган моддий зарар улардан ундириб олинади.




**ЭСДА ТУТИНГ!** Агар сизда магистраль алоқа кабелларининг муҳофаза ҳудудларида ер қазиш ва қурилиш ишларини амалга ошириш зарурати туғилса, кабель трассасини ўзбошимчалик билан аниқлашга уринманг ҳамда бу масалада «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси «Телекоммуникация транспорт тармоғи» филиалининг ҳудудий боғламаларига ёки магистраль алоқа кабели трассаси белгисида кўрсатилган кабель участкаси манзилига мурожаат этинг.

**Магистраль алоқа линияларини эксплуатация қилувчи боғламалар ва уларнинг кабель участкаси манзиллари ҳамда боғланиш телефон рақамлари:**

| | |
|---|---|
| **«ТТТ» филиали Биринчи боғламаси,** Тошкент ш., Қозитарнов к., 29-уй | (8-371) 234-20-11, 235-36-59 (соат 8.00 — 17.00) |
| **Биринчи линия кабель цехи,** Тошкент ш., Буюк Ипак йўли к., 264-уй | (8-371) 265-80-43 (соат 8.00 — 17.00) (8-371) 155-27-20 |
| **Иккинчи линия кабель цехи,** Янгийўл ш., Чарикова к., 172-уй | (8-371) 250-37-45 (соат 8.00 — 17.00) |
| **Тошкент шаҳар кабель участкаси,** Хуштепа 4-тор к., 4-уй | (8-595) 199-19-31 |
| **Пахта кабель участкаси,** Чиноз тумани, Серсен к., 30-уй | (8-595) 199-19-32 |
| **Учинчи линия кабель цехи,** Тўйтепа ш., Спорт к., 45-уй | (8-595) 199-19-36 |
| **Ангрен шаҳар кабель участкаси,** Амир Темур к. | (8-370) 762-11-21 (соат 8.00 — 17.00) (8-593) 370-38-89 |
| **Бекобод шаҳар кабель участкаси,** Х. Ходжимурадов 2-берк к., 18-«А» уй | (8-593) 183-23-46, (8-370) 662-27-61 (8-595) 177-06-64, (8-370) 912-54-11 |
| **«ТТТ» филиали Иккинчи боғламаси,** Қўқон ш., Истиқлол к., 58-уй | (8-373) 552-34-17, 552-21-66 (8-373) 552-24-71, 552-22-01 (соат 8.00 — 17.00) |
| **Биринчи кабель участкаси,** Янгиқўрғон ш., Чустий к., 1-уй | (8-373) 529-24-55, (соат 8.00 — 17.00) (8-590) 556-05-58 |
| **Иккинчи кабель участкаси,** Бешариқ ш., Сирдарё к., 9-уй | (8-373) 612-23-66 (соат 8.00 — 17.00) (8-595) 400-03-98 |
| **Учинчи кабель участкаси,** Наманган ш., Нуробод даҳаси, телеминора | (8-369) 225-08-82 (соат 8.00 — 17.00) (8-595) 300-03-41 |
| **Тўртинчи кабель участкаси,** Андижон ш., Чўлпон к., 9 | (8-374) 222-23-81 (соат 8.00 — 17.00) (8-595) 202-02-39 |
| **«ТТТ» филиали Учинчи боғламаси,** Гулистон ш., Дўстлик қўрғони | (8-367) 227-16-20, 225-29-92 (соат 8.00 — 17.00) (8-595) 510-10-09 |
| **Сирдарё кабель участкаси,** Сирдарё ш., Ўзбекистон к., Алоқа уйи | (8-595) 510-10-04 |
| **Иккинчи линия техник цехи,** Янгиер ш., Тинчлик к., 1-уй | (8-367) 272-30-28 (соат 8.00 — 17.00) (8-595) 510-10-27 |
| **Учинчи линия техник цехи,** Жиззах ш., Ш. Рашидов к., 46-уй | (8-372) 226-22-07 (соат 8.00 — 17.00) (8-595) 510-10-41 |
| **Кабель участкаси,** Даштобод ш., Дўстлик к., Алоқа уйи | (8-595) 510-10-42 |
| **«ТТТ» филиали Тўртинчи боғламаси,** Булунғур ш., Самарқанд к., 18-уй | (8-366) 442-25-60, 442-68-05 (соат 8.00 — 17.00) (8-595) 199-00-55, 177-50-05, 500-19-07 |
| **«ТТТ» филиали Бешинчи боғламаси,** Бухоро ш., Ғиждувон к., 69-уй | (8-365) 224-45-41 (соат 8.00 — 17.00) (8-365) 223-38-37, 224-55-42 (8-365) 223-65-23, 224-46-42 |
| **Линия кабель цехи,** Бухоро ш., Шейхон к., 71-уй | (8-365) 228-53-22 (соат 8.00 — 17.00) |
| **«ТТТ» филиали Олтинчи боғламаси,** Нукус ш., Ашхобод к., 1-уй | (8-361) 222-37-07, 222-00-43 (соат 8.00 — 17.00) (8-361) 601-14-91, 502-88-84, 701-19-19 |
| **Кабель участкаси,** Тўрткўл ш., Туман телекоммуникация боғламаси | (8-361) 222-37-07 (соат 8.00 — 17.00) (8-361) 354-10-26 |
| **Тўрткўл кабель участкаси,** Беруний ш., Туман телекоммуникация боғламаси | (8-361) 222-37-07 (соат 8.00 — 17.00) (8-361) 601-14-91, 354-10-25 |
| **Қўнғирот кабель участкаси,** Қўнғирот ш., Туман телекоммуникация боғламаси | (8-361) 222-37-07 (соат 8.00 — 17.00) (8-361) 601-14-91, 353-00-13 |
| **Жаслик кабель участкаси,** Қўнғирот тумани, Жаслик аҳоли пункти, Тулей станцияси | (8-361) 601-05-28, (8-593) 363-30-90 |
| **«ТТТ» филиали Еттинчи боғламаси,** Термиз ш., Тараққиёт к., 32-уй | (8-376) 223-13-85, 223-13-79 (соат 8.00 — 17.00) (8-376) 227-41-14, 242-11-25, 242-11-44 |
| **16-линия техник цехи,** Денов ш., Ш. Темиров к., 4-уй | (8-376) 227-37-62, (8-595) 501-11-07 |
| **«ТТТ» филиали Саккизинчи боғламаси,** Қарши ш., Ҳуснобод к., 1-уй | (8-375) 221-02-41, 221-06-86 (соат 8.00 — 17.00) (8-375) 221-17-25, 505-05-14 |
| **15-линия техник цехи,** Ғузор ш., Ғузор к., 23-уй | (8-375) 552-11-67 (соат 8.00 — 17.00) (8-375) 505-05-14 |
| **«ТТТ» филиали Тўққизинчи боғламаси,** Урганч ш., Дўсов к., 2-уй | (8-362) 226-36-58, 226-36-33 (8-595) 602-18-01, 602-22-13 |
| **«ТТТ» филиали Ўнинчи боғламаси,** Навоий ш., Кармана к., 2-«Б» уй | (8-436) 224-74-21 (8-590) 730-56-41 |
| **Биринчи линия техник цехи,** Каттақўрғон ш., Чағаноқ қишлоғи | (8-366) 455-24-54 |
| **Биринчи кабель участкаси,** Ғиждувон ш., Ғовшон қишлоғи | (8-365) 572-14-75 |
| **Иккинчи кабель участкаси,** Учқудуқ ш., ДЭУ қўрғони | (8-436) 593-09-35 (соат 8.00 — 17.00) (8-595) 603-12-42 |

129R/85


## ОБ-ҲАВО

(4 октябрь)

| Ҳудуд | Тунда | Кундузи |
|---|---|---|
| Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида | +5 +10 | +22 +27 |
| Бухоро ва Навоий вилоятларида | +5 +10 | +22 +27 |
| Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятларида | +5 +10 | +22 +27 |
| Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида | +7 +12 | +25 +30 |
| Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятларида | +5 +10 | +22 +27 |
| Тошкент шаҳрида | +7 +9 | +23 +25 |


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1054. 61 384 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ISSN 2010-8788

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов.
Навбатчи — Д. Улуғмуродов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.25 Топширилди — 22.25 1 2 3 4 5